

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“Kvarts” АЖ акциядорларининг  
навбатдан ташқари умумий  
йиғилишининг 2018 йил 29 августдаги  
қарори билан  
(2018 йил 29 августдаги 2-сонли  
баённома)



**“Kvarts” акциядорлик жамияти  
Ички аудит хизмати тўғрисидаги  
НИЗОМ  
(янги тахрир)**

**Қувасой шаҳри - 2018 й.**

## МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.
2. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ.
3. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.
4. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.
5. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ.
6. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.
7. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ.
8. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.
9. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА (МУКОФОТЛАШ) РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ.
10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР.

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомга асосан ва Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари ва “Kvarts” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Жамиятда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг услубий асосларини белгилайди.

3. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**ички аудит** – Жамият Бошқаруви ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқарув қоидалари жорий этилиши бўйича Жамият таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти;

**ички аудит хизмати** – ушбу Низомда белгиланган талаблар ҳисобга олинган ҳолда, Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган Жамиятнинг ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси.

## 2. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

4. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Жамият бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

5. Қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили яқунлари бўйича);

тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда Жамиятнинг таркибий бўлинмаларига услубий ёрдам кўрсатиш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

Жамият ижроия органи билан биргаликда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кўзда тутилаётган битимларни ва йирик битимларни ўрганиш;

ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ва техник топшириқларни ишлаб чиқишда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда Жамият Кузатув кенгашига кўмаклашиш;

50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан ички назоратни амалга ошириш.

### **3. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички аудитни амалга ошириш давомида юзага келадиган масалалар бўйича Жамиятнинг ҳужжатларини (Жамият раҳбарининг буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатларни), Жамиятнинг мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

ички аудитни ўтказишга кўмаклашиш учун Жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

ички аудитни амалга оширишда ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ушбу Низомнинг 16-21-бандларида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботлар тузиш;

молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончилигини текшириш;

ички аудитни амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

Жамиятга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Жамият Кузатув кенгашига хабар бериш ва ички аудит бўйича ҳисоботда тегишли ёзувни қайд этиш;

активларни хатловдан ўтказишда ва қонунда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

Ички аудит хизмати қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

7. Қонуннинг 75-моддасига мувофиқ Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш Жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

8. Ички аудит хизмати Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

9. Ички аудит хизмати ходимларига қўйиладиган талаблар:

Ички аудит хизмати ходимлари охириги ўн йилнинг камида икки йилида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида (шу жумладан, ўриндошлик бўйича) амалий иш стажига эга бўлиши зарур;

ички аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби аудиторларнинг республика профессионал жамоатчилик бирлашмалари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

10. Жамият ички аудит хизмати ходимларининг сони 3 (уч) кишини ташкил этади.

11. Ички аудит хизматига ички аудитор сертификатига эга бўлган унинг раҳбари бошчилик қилади.

Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун Жамият Кузатув кенгашига тақдим этади.

12. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазам асосда уларнинг малакасини ошириш воситасида қўллаб турилиши зарур.

13. Ички аудит хизмати ходимлари Жамият Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилиши лозим.

## **5. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ**

14. Қуйидагилар ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бўйича уларга иш ҳақи миқдорини ва бошқа тўловларни белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашига ва Жамиятнинг аудиторлик қўмитасига бевосита бўйсунуш.

15. Ички аудит хизматининг бошқарув ва назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ички назорат тўғрисидаги низом"га мувофиқ амалга оширилади.

## **6. ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

16. Ички аудит:

Жамиятнинг тасдиқланган бизнес-режасининг бажарилишини;

корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилинишини;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ҳолатини;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

активларнинг ҳолатини;

ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг ихтисосидан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ текширув ўтказишнинг бошқа йўналишлари белгиланиши мумкин.

17. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) Жамиятнинг бизнес-режаси бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;

б) корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, Жамият иштирокчиларининг (таъсисчиларининг) қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига амал қилиниши таҳлили;

корпоратив бошқарув соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига амал қилиниши, акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва Жамият бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар);

в) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда Жамият томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

ички аудит давомида аниқланган Жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг муайян ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Шунингдек, ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда Жамият Бошқаруви ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонун бузилишларни бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши зарур.

18. Ўтказилган ички аудит яқунлари бўйича, ушбу Низомнинг 15 ва 16-бандларига мувофиқ, ички аудит хизмати раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

19. Йиғма ҳисобот:

таҳлилий қисмни;

якуний қисмни;

тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши зарур.

20. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ушбу Низомнинг 16 ва 17-бандларига мувофиқ, ички аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

21. Ҳисоботнинг якуний қисми:

Бошқарув ва Жамиятнинг таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;

аниқланган четга чиқишлар ва қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни ўз ичига олиши керак.

22. Йиғма ҳисобот ички аудит яқунлангандан кейин 10 (ўн) кун мобайнида тайёрланиши зарур.

23. Йиғма ҳисоботлар бевосита Жамият Кузатув кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилиши керак. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин Жамият Бошқаруви тақдим этилиши керак.

24. Жамият Бошқаруви ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

25. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши зарур.

## **7. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ**

26. Жамиятнинг корпоратив сайтида Ички аудит хизматининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

Ички аудит хизматининг таркиби;

“Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом” ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Ички аудит хизмати томонидан Жамият Кузатув кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботлар;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

## **8. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

27. Ички аудит хизмати ходимлари:

ўзлари ўтказган текширишлар натижалари бузиб кўрсатилганлиги;

уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган Жамиятнинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигига риоя қилинмаганлиги;

олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилиши таъминланиши учун жавобгар ҳисобланадилар.

28. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавоб беради.

29. Жамият Кузатув кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди.

## **9. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА (МУКОФОТЛАШ) РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ**

30. Жамиятнинг Ички аудит хизмати ходимларига йил якунлари бўйича қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантириш тўланиши мумкин.

31. Жамиятнинг Ички аудит хизмати ходимларига улар томонидан ўтказилган текширишлар ва ўрганишлар натижасида берилган тавсиялари солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича маблағларни иқтисод қилишга эришилганда (аксинча қўшимча ҳисоблаш ҳисобига жарима хавф-хатари камайтирилганда), маҳсулот таннархини камайтиришга ва соф фойда миқдорини оширишга эришилганда йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантириш тўланади.

32. Жамиятнинг Ички аудит хизмати ходимларига тўланадиган йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантиришнинг умумий миқдори қуйидагича аниқланади:

а) солиқлар ва мажбурий ажратмалар бўйича маблағларни иқтисод қилишга эришилганда (аксинча қўшимча ҳисоблаш ҳисобига жарима хавф-хатари камайтирилганда):

- қўшимча ҳисобланган солиқ ёки ажратма суммасининг 2 фоизгача;

- солиқлар ва мажбурий ажратмалардан камайтиришга ҳисобланган суммадан 3 фоизгача;

б) Ички аудит хизмати тавсияси билан олинган жамиятни соф фойдасини оширилган суммасидан 2 фоизгача;

в) маҳсулот таннархини камайтирилган суммасидан 2 фоизгача.

33. Жамиятнинг Ички аудит хизмати ходимларига тўланадиган йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантиришнинг умумий миқдори бажарилган вазифалари асосида аниқланади ва Ички аудит хизмати бошлиғининг билдиргисига кўра жамият ижроя органи томонидан Жамият Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга ошириш чоралари белгиланади.

34. Ички аудит хизматига ажратилган йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантиришнинг якуний миқдори уларнинг ўртасида қуйидаги тартибда тақсимланади:

- Ички аудит хизмати бошлиғига – 40 фоиз;

- Ички аудит хизмати ходимларига – 60 фоиз.

35. Ички аудит хизмати бошлиғи ва ходимига қўшимча (мукофотлаш) йиллик рағбатлантиришнинг миқдори ўтган йил учун унга юклатилган вазифаларни ва Кузатув кенгашининг топшириқларини қониқарсиз бажарса, камайтирилиши мумкин.

36. Ички аудит хизматига йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантириш тўлашнинг мажбурий шarti ушбу низомнинг 32-бандида белгиланган кўрсаткичлар, жамиятнинг йиллик бизнес-режасида белгиланган соф фойда миқдорини бажарилиши ҳисобланади.

37. Юқоридагилардан ташқари алоҳида топшириқларни бажарилиши ҳамда жамият манфати юзасидан қўшимча бажарилган ишлар учун ҳам мукофотланиши мумкин.

38. Мазкур Тартиб акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг қарори йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантириш тўлаш учун асос ҳужжати ҳисобланади.

39. Жамият Ижроия органи раҳбарининг буйруғи асосида Жамият бухгалтерияси томонидан қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантириш ҳисоблаш ва тўлаш амалга оширилади.

40. Агарда йил давомида Ички аудит хизмати ходими билан тузилган меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинса, унга йиллик қўшимча (мукофотлаш) рағбатлантиришни ҳисоблаш ва тўлаш унга вазифасини бажаришнинг ҳақиқий вақтини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

41. Мазкур Тартиб Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг Мазкур Тартибни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

42. Мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар қонунчиликка, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритилиши муносабати билан ва бошқа ҳолатларда киритилиши мумкин.

Мазкур Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу Тартибга ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича қарори акциядорлар умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

43. Агар мазкур Тартибнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки Жамиятнинг Уставига зид бўлса, бу бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ва ушбу бандлар билан тартибга солинувчи масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик меъёрларига ва/ёки Жамиятнинг Уставига асосан тартибга солинади.

“Kvarts” АЖ  
Бошқарув раиси



А.А.Пулатов